



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 25 сентябрь, № 186 (6116)

Пайшанба

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Истиқлол берган имкониятлар самараси бугун ҳаётимизнинг барча жабҳасида ўз аксини топмоқда. Пировардида тараққиётнинг “ўзбек модели” асосида юксак марраларни забт этаётган халқимиз ютуқлари салмоғи тобора ошиб бораётди. Бу эса мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, юртдошларимизнинг турмуш шароитини янада яхшилашдек эзгу мақсадлар рўёбига хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Хусусан, кейинги йилларда улкан ўзгариш ва янгиланишлар туфайли Қашқадарё вилояти шаҳару қишлоқлари ҳам кўркам, обод ва муаззам қиёфа касб этмоқда. Чунончи, мустақиллигимизнинг 23 йиллик шодиёнаси арафасида вилоят маркази — Қарши шаҳри кўчалари, ички ва умумий фойдаланишдаги ҳамда транзит йўллар ён-атрофлари кўкаламзорлаштирилди. Чўмилиш ҳавзалари, истироҳат боғларида ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Шу кунларда ҳам шаҳарнинг қай бир маҳалласига борманг, янги ва замонавий иншоотлар барпо этилаётганига гувоҳ бўласиз.



Қашқадарё вилояти: БУНЁДКОРЛИК, ТАШАББУС ВА ЯНГИЛАНИШ

Яна бир эътиборли жиҳати, вилоятдаги кўҳна тарихий мажмуалар, ёдгорликларни асраб-авайлаш ва уларни келажак авлодга етказиш борасида ҳам эътиборга молик ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, кейинги йилларда Қарши шаҳридаги

“Кўкғумбаз”, “Одина” жоме масжидлари, Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ, Қарши туманидаги Имом Мўъйин ан-Насафий, Касби туманидаги Султон Мирҳайдар, Шаҳрисабз туманидаги “Оқсарой”, “Дорут-Тиловат” ва “Дорус-Саодат” мажмуаларида

катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари якунига етказилди. Бу эса, ўз навбатида, Қашқадарёда туризм соҳасини ривожлантириш учун асос яратди. Ушбу жараёнда, албатта, Вазирлар Маҳкамасининг “2013 — 2015 йиллар даврида Қашқадарё ви-

лоятда туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори муҳим омил бўлаётганини таъкидлаб ўтиш зарур. Чунки ушбу ҳужжатга кўра, ҳудудда тарихий ва маданий объектларни халқаро ҳамда маҳаллий сайёҳликка мослаштириш, Амир Темур

номидаги музей экспозицияларини кенгайтириш, меъморчилик иншоотлари интерьерларида мавзуга мос экспозициялар, археологик объектларда экотуризмни ташкил этиш, шунингдек, Шаҳрисабзи музей-шаҳарга айлантириш режаси ишлаб чиқилди. Айни пайтда мазкур қадимий кенда шарқий бозор барпо этиш, унда замон талаблари даражасида хизмат кўрсатишни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 4-бетда).

Ишонч ва хайрихоҳлик ифодаси

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партия — Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси парламент сайловда иштирок этиш истагини билдирди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ белгиланган намунадаги имзо варақалари Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинганидан кейин берилди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинадиган кундан қамада тўрт ой олдин рўйхатга олинган сиёсий партиялар депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Марказий сайлов комиссияси вакилларининг таъкидлашича, сиёсий партия сайловда уни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг қамада қирқ мингта имзосини тўплаши зарур. Бунда республикамизнинг битта маъмурий-ҳудудий тузилмасида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ёки Тошкент шаҳрида тўпланган имзолар сони талаб этилган имзолар сонининг саккиз



фоиздан ошмаслиги белгиланган.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги сиёсий партиялар вакиллари мазкур масъулиятли жараёнда қизгин қиршишган.

— Сайлов демократия кўзгуси, сиёсий партиялар учун ўзига хос синовдир, — дейди ЎзЛиДеП фаоли Алишер Маҳкамов. — Зеро, бу улар давлат ва жамият қурилишининг муҳим масалалари бўйича аниқ позицияси билан сайловчилар орасида қанчалик обрў-эътибор қозонаётганининг, сиёсий партиялар ўз электорати манфаатларини нечоғли самарали илгари сура олаётганининг кўрсаткичидир. Биз мамлакатимиз парламентига сайловларда иштирок этишнинг муҳим шarti бўлган сиёсий партияларни қўллаб-қувватлаш учун имзо йиғиш жараёнида баҳо оламиз. Шуни айтиш жоизки, имзо тўплаш жараёни электоратимизнинг мамлакатимизда бўлажак сайловларга катта қизиқиш билдираётганини тўла намойиш этмоқда. Тadbirkorлар, ишбилармонлар, фермерлар ЎзЛиДеПни қўллаб-қувватлаш учун имзо тўплаш жараёнида қатнашишдан манфаатдор.

(Давоми 2-бетда).

INFCOM — 2014

Мамлакатимизда Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги қизгин давом этмоқда. Мазкур нуфузли тadbир доирасида кеча Тошкент, Урганч ва Гулистон шаҳарларида “ICTExpo — 2014” миллий кўрғазмаси ўз ишини бошлади.

Телекоммуникация воситалари ва замонавий хизмат турлари

Кўрғазма бир пайтнинг ўзида учта шаҳарда ўтказилишидан кўзланган мақсад жойларда ахборот технологиялари ҳаётимизга кенг жорий этилаётганини намойиш қилишдир. Ташриф буюрувчилар бу ерда йўлга қўйилган видеокўприк орқали реал вақт тартибда ҳар учала тadbир фаолияти билан яқиндан танишишлари, иштирокчилар томонидан тақдим этилаётган илғор технологиялар ва замонавий хизмат турлари, АКТ соҳасидаги энг сўнгги янгиланган хабардор бўлишлари мумкин. “ICTExpo — 2014”да мамлакатимиз компаниялари билан бир қаторда, Жанубий Корея, Хитой, Япония ва бошқа давлатларнинг телекоммуникация ускуналари, компьютер технологиялари ҳамда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқувчилари, коммуникация хизматлари кўрсатувчи провайдерлари ҳам иштирок этмоқда.

Миллий кўрғазмада намойиш қилинаётган махсулотлар билан яқиндан танишган киши кейинги йилларда юртимиз ва жаҳон ахборот-коммуникация технологиялари бозори жадал тараққий этаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Чунки бу ердаги ҳар бир ускуна ва технология жаҳон бозорининг ушбу соҳада кўлга киритилган энг сўнгги ютуқларидир. Хусусан, намойишлар чоғида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, шунингдек, компьютер техникасини йигувчи корхоналар, дастурий таъминот ишлаб чиқувчилар, IT-компаниялар дилерлари, провайдерлар, телекоммуникация ускуналарини етказиб бериувчилар, банк ва бошқа муассасалар вакилларининг қизиқарли стэндлари ҳеч қимми бефарқ қолдирмапти.

(Давоми 2-бетда).

Иқтисодий алоқалар учун мустақкам замин

Кеча пойтахтимиздаги “ЎзэкспоМарказ” мажмуида қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари ва мазкур соҳага оид замонавий технологияларнинг “FoodWeek Uzbekistan — 2014” ҳамда “AgriTek Uzbekistan — 2014” халқаро иқтисодлаштирилган кўрғазмалари иш бошлади.

ХАЛҚАРО КЎРҒАЗМА

Тadbирларнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда изчил амалга ошириляётган ислохотлар туфайли иқтисодиётимизнинг озиқ-овқат саноати ва аграр тараққиёти тобора ривожланиб бормоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштириш ба-

робарида, уни қайта ишлаш ҳажми ҳам муттасил ортаётгани қувонarliдир. Бунда республикамизнинг чекка туман ва қишлоқларида мева-сабзавот, гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлашчи янги корхоналар ташкил этилаётгани муҳим омил бўляпти. Масалан, шу йилнинг биринчи ярми-

да ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлар доирасида 2696 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилган бўлса, уларнинг салмоқли қисми бевосита қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳалари ҳиссасига тўғри келди. Натигада импорт ўрнини босувчи турли маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, корхоналарнинг техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш, тизимга замонавий технологияларни жалб қилишда аънаваный тарзда ўтказиб келинаётган

кўрғазмалар ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Негаки, бу тadbирларда юртимиз ва хориж компаниялари томонидан ишлаб чиқарилган юқори умумли ва тежамкор ускуналар кенг миқёсда намойиш қилинапти.

Бу йилги кўрғазмада эса маҳаллий ишлаб чиқарувчилар қаторида АҚШ, Венгрия, Болгария, Хиндистон, Литва, Жанубий Корея, Малайзия сингари дунёнинг 12 мамлакатидан 50 дан зиёд компаниялар ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Маъмурий қонунчилик ва амалиёт

Мустақиллик йилларида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада қонунийликни таъминлаш борасида кенг қўламли чора-тadbирлар амалга ошириляпти.

АНЖУМАН

Натигада фуқароларнинг ҳуқуқ иштирокида ташкил этилган “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш амалиёти” мавзусидаги анжуманда шу хусусда килувчи ва назорат органлари

иштирокида ташкил этилган “Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш амалиёти” мавзусидаги анжуманда шу хусусда килувчи ва назорат органлари

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ ФРАНЦИЯДА НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Парижда ўтказилган «IFTM Top Resa — 2014» халқаро туризм ярмаркасида мамлакатимиз сайёҳлик салоҳияти намойиш этилди.

Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликлар сони, туризм қўлами бўйича ҳақли равишда дунёдаги етакчи мамлакатлардан бири саналади. Юртимиздаги тарихий ва маданий ёдгорликларнинг бир қисми ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида туризмни ривожлантириш бўйича

амалга ошириляётган кенг қўламли ишлар самарасида янги сайёҳлик йўналишлари ташкил этилиб, мамлакатимизга келаятган сайёҳлар оқими тобора ортиб бормоқда. “Ўзбектуризм” Миллий компанияси халқаро сайёҳлик кўрғазма ва ярмаркаларида фаол қатнашиб, мамлакатимизнинг бу борадаги салоҳиятини кенг намойиш қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ишонч ва хайрихоҳлик ифодаси

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Уларнинг аксарияти бу нафақат имзо тўплаш, балки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш бўйича давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш эканлигини ҳам таъкидламоқда.

Бугун республикамизнинг барча ҳудудда бошланган сиёсий партияларнинг парламент сайловида иштирок этиш қўллаб-қувватлаш бўйича имзо тўплаш жараёни жинси, ижтимоий шароити, ёшидан қатъи назар, аҳолининг ҳуқуқий онг даражаси ошганидан, унинг сиёсий фаоллигидан далолат беради. Чунки, Загиота туманида истикомат қиладиган Мухтабар Эшонкулова 83 ёшда бўлишига қарамай, сайловда қатнашишни истади. Онахон Ўзбекистон Халқ демократик партиясини қўллаб-қувватлаб имзо чекди.

— Маълумки, сайловлар ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим таркиби ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Тошкент вилояти кенгаши раиси ўринбосари Меҳроҳ Дархонов. — Ушбу сиёсий жараён фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш принципини амалда таъминлайди. Бунга имзо тўплаш жараёни аққол мисолдир. Негаки, электротартиб вакиллари катта шижоат билан имзо арақаларини тўлдирдишмоқда. ХДПнинг дастурий мақсадларига мувофиқ атрофда юз бераётган

ҳодисаларга тезкорлик билан муносабат билдириб, воқеалар марказида, одамлар орасида бўлиб турибмиз, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами билан мунтазам иш олиб бораёلمиз. Муаммоларни ўрганиб, уларни маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар гуруҳларимиз орқали ҳал қилаёلمиз. Қолаверса, партиянинг жамоатчилик қабулҳонаси доимий ишлаб турибди. Унда электротартибнинг ўйлангичларини қўллаб-қувватлаш мақсади билан амалий ечимини топомоқда.

— Имзоларни тўплаш жараёнида партияимиз аъзолари, электротартиб вакиллари фаоллик кўрсатмоқда, — дейди Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Миробод тумани кенгаши раиси Алишер Мақсудов. — Мазкур жараён шуни кўрсатаптики, бугунги сайловчилар бундан аввалги сайловчилардан бирмунча фарқ қилади. Хусусан, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданияти сезиларли даражада юксалган. Имзо қўйиш жиддий ўйланган қадам бўлиб, бу шахснинг мамлакатни янада ривожлантиришида сиёсий партия фаолиятининг аҳамиятини тушунишдан далолатдир.

— Бу шунчаки сайлов эмас, айни чоғда фуқаролик жамиятини бунёд этиш жараёни ҳамдир, — дея суҳбатимизга қўшлади «Миллий тикланиш» партияси фаоли Тоҳир Солиев. — Мамлакатимизнинг янада ривожланиши мазкур жараён билан бевосита боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Мен бугун партия-

мизни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳужжатларга имзо чекдим. Республикаимиз учун муҳим бир даврда ўтажак сайловларда ҳар бир фуқаронинг позицияси долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 21-моддасига биноан, сиёсий партия депутатликка номзодлар кўрсатиш учун 12 октябрдан Марказий сайлов комиссиясига сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза, Ақлий вакилликнинг сиёсий партия Қонунда белгиланган муддатда рўйхатга олинганини тасдиқловчи маълумотномаси, шунингдек, имзо арақаларини тақдим этиши шарт. Сайловчилар имзоларини тўплаш жараёни республикамизнинг барча ҳудудда жадал олиб боришмоқда.

— Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёни давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлаш, — дейди Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Р. Отарбаев. — Энг муҳими, бунинг учун барча шарт-шароит яратилган. Сайлов кампаниясида юрдошларимиз юқори даражада фаоллик кўрсатаётганлиги ҳам бунинг яққол тасдиғидир. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудда бўлганидек, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам партиянинг барча бошланғич бўғинларида имзо тўплаш жараёни қизгин паллага кирди. Мазкур жараёнда электротартиб ҳамда партияимиз аъзолари, педагоглар, шифокорлар, муҳандислар, корхоналар ходимлари ҳам фаол қатнашапти.

Сайловчиларнинг сиёсий партияларнинг парламент сайловида иштирок этишини қўллаб-қувватлаш учун имзо тўплаш жараёни давом этмоқда.

Қобил ХИДИРОВ.

Иқтисодий алоқалар учун мустаҳкам замин

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

— Биз мазкур кўрғазмаларда мунтазам равишда иштирок этаемиз, — дейди Венгриянинг «Agrometal Klaster ZRT» компанияси президенти Аттила Казмер. — Сабаби, улар жадал ривожланиб бораётган Ўзбекистон иқтисодиёти билан яқиндан танишиш, янги ҳамкорлар топиш учун қўлай фу-

ратдир. Бу гал юртингиз ишбилармонлари ва фермерларига сутни қайта ишлаш линияларини тақлиф қилаёلمиз. Ушбу ускуналар ёрдамида кунига 500 литрдан 100 минг литргача сутни қайта ишлаш мумкин. Биз нафақат технологик ускуналарни етказиб бериш, балки уларни ўрнатиш, монтаж қилиш, қисқача айтганда, «калити билан» топшириш вазифасини

зиммамизга олганмиз. Бу эса кўпчиликка маъқул тушмоқда.

Кўрғазмаларда фаолият кўрсатаётган тўртта махсус бўлимда қишлоқ хўжалиги техникалари, чорвачилик, паррандачилик ва ветеринария асбоб-ускуналари, минерал ўғитлар ва препаратлар, хом ашёни чуқур қайта ишлаш линиялари, мева-сабзавотни қуриштириш ҳамда қадоклаш ускуналари, қандолатчилик учун минитехнологиялар, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ва чанқовбосди ичимликлар намоиши қилинмоқда. Хусусан, пойтахтимиздаги «Natural Food» масъулияти чекланган жамиятида жорий қилинган технология ва бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг мўқобили йўқлиги кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлапти.

Гап шундаки, мазкур корхонада ундирилган бугдўйдан инсон саломатлиги учун жуда фойдали бўлган нон маҳсулотлари, унинг майсасидан шарбат, илдиздан эса хушрўйлаштирувчи восита тайёрлаш йўлга қўйилган. Бунинг учун зарур махсус ускуналар юртимиз олимлари томонидан яратилган бўлиб,



Маъмурий қонунчилик ва амалиёт

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Зеро, ушбу ҳужжат қонунчиликка риоя этиш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинлигини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашга қаратилгандир.

Маълумки, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва ҳолисона кўриб чиқиши ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг янги таҳрирдаги лойиҳасида, авваломбор, жиноят қонунчилигини декриминаллаштириш, яъни айрим қонунбузарлик ҳолатларини жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиш кўзда тутилаётгани тадбир иштирокчилари томонидан алоҳида қайд этиб ўтилди.

— Амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари натижасида иқтисодиёт соҳасидаги жиноят ишлари бўйича қамқов ва озодликдан маҳрум этиш жазолари ўрнига жарима шаклидаги иқтисодий жазо чораларини қўллаш имкони кенгайтирилди, — дейди Ақлий вакилликнинг тадбиркорлар ҳуқуқлари химоя қилиш бошқармаси бошлиғи Ш. Саидов. — Қонунчиликка ет-

казилган моддий зарар қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги ҳақидаги қоидалар киритилдики, бу бугунги кунда ўз самарасини берапти. Аммо ҳозирги кунда шунинг ўзи билан кифоялиниб қолиш мумкин эмас. Шу боис ушбу йўналишдаги қонун ижодкорлиги жараёни изчил давом эттирилмоқда. Яъни қонун нормаларини қўллаш даражасини тизимли таҳлил қилиш, ижтимоий ҳаётда юз бераётган жараёнларни кузатиш, амалиётда содир этилиши мумкин бўлган камчиликларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқий субъектлари зарур ахборотлар билан таъминланмоқда.

Тадбир доирасида янги нашр этилган «Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш бўйича ҳужжатлар намуналари» китобининг тақдироти ҳам ўтказилди. Бу тўпламда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишда зарур ҳужжатлар намуналари жамланган бўлиб, ушбу қўлланма давлат органларининг соҳадаги фаолиятида қонунийлик ҳамда ягона амалиётни таъминлашга хизмат қилади.

Анжуманда тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудда иқтисодий тармоқлар, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилма объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишлари қизгин паллага кирган. Мазкур жараёнда газ-транспорт ва энергия таъминоти иншоотларининг барқарор ишлашини ҳамда табиий газ, кўмир ва электр энергияси узлуксиз етказиб берилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаетир.

Мавсум масъулияти

Пировардида тураржой ва бошқа иншоотларни таъмирлаш, иситиш тармоқларини созлаш юмшлари изчил давом эттирилмоқда. Бу борада Навоий вилоятида ҳам изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Хусусан, мавсумни бекам куёт, талафотларсиз ўтказишга аҳд қилган маҳаллий мутасаддилар Президентимизнинг жорий йил июль ойида қабул қилинган «Иқтисодий тармоқлар, кўп қаватли уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини 2014/2015 йил куз-қиш мавсумига барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида белгиланган чора-тадбирларнинг изчил ижросини таъминламоқда. Хусусан, айни пайтда кўп қаватли уйлارнинг том, ертўла қисмлари, ички иситиш тизимлари ва муҳандислик-коммуникация объектлари мавсумга шай ҳолатга келтирилмоқда. Иситиш ва ёритиш, иссиқ ва совуқ сув таъминоти тармоқлари, ерости коммуникация жиҳозлари ҳамда каналлизация воситалари созлиги назоратдан ўтказилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилаётир.

Масалан, вилоятнинг Навоий, Зарафшон шаҳарлари ва туман марказларида 1427 та кўп қаватли уй мавжуд. Бу эса мазкур ҳудудларда аҳоли нисбатан зич яшагини англатади. Шу боис ана шу биноларда мавсумга тайёргарлик ишлари анча эрта бошланди. Уларни таъмирлаш ва соз ҳолатга келтириш юмшларига Навоий конметаллургия комбинати қарашли уй-жой-коммунал хўжалиги бошқармаси ҳамда 24 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ходимлари жалб этилди. Натижада ўтган қисқа муддатда Навоий ва Зарафшон шаҳарлари ҳамда Учқудук туманида жойлашган жами 126 та кўп қаватли уй-жой жорий таъмирдан чиқарилди. Қолган тураржой биноларида ҳам мавсумга та-

раддуд ишлари жадал давом эттирилмоқда. Бинобарин, қарийб мингта кириш йўлакларига рақамли қулф ўрнатилди. Қарманда ҳамда Хатирчи туманларида эса 12 та кўп қаватли уйнинг том қисмига замонавий қопламалар ётқизирилиб, бинолар фасад қисмлари шаҳарсозлик аъёнларига мос равишда пардозланапти.

Замонавий синфхоналарнинг нафақат ёруғ, шинам ва қўлайлиги, балки қишда мўътадил ҳароратга эга бўлиши ҳам муҳим талаб ҳисобланади. Шу боис халқ таълими тизими муассасаларини мавсумга ҳозирлаш ишлари ҳам алоҳида диққат-эътиборда. Барча мактаб ва болалар боғчаси қишга тайёр ҳолга келтирилмоқда. Чунки, шу кунгача 10 та умумтаълим мактаби, 20 та мактаб-гача таълим муассасаси ва 2 та тиббиёт муассасасида мукамал, 15 та мактаб, 40 та боғча ҳамда 5 та тиббиёт муассасасида эса жорий таъмирлаш ишлари тўлиқ якунланди.

Вилоятнинг чўл бағрида жойлашган, табиий газ етиб бориши қийин бўлган олис қишлоқлари аҳолиси, шунингдек, ҳудуддаги ижтимоий соҳа объектлари, иқтисодий тармоқларини мўқобили ёқилиб билан таъминлаш мақсадида жами 28 минг 566 тонна кўмир жамғариш ишлари амалга оширилаётир. Бундан ташқари, 7,8 км. сув, 248 км. иссиқлик, 3184,6 км. электр тармоқлари ҳамда 1046 та трансформатор пункти таъмирланди.

Ҳадемай, ёғингарчилик мавсуми бошланади. Шундай экан, бу даврга тайёргарлик ишларини ўз вақтида адо этиш нафақат таъминот корхоналари, балки барчамизнинг зиммамиздаги муҳим вазифа эканлигини ёдда тутайлик.

Амриддин АБДУРАҲИМОВ, Навоий вилояти ҳокимлиги Уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида ишловларни амалга ошириш департаменти бошлиғи.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ ФРАНЦИЯДА НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Франциядаги нуфузли «IFM Top Resa» кўрғазмасида Европа, Осиё, Африка ва Америка мамлакатларининг сайёҳлик фирма ҳамда компаниялари, мухтаassis ва экспертлари иштирок этди. Унда туризм саноатининг замонавий йўналишлари, жумладан, меҳмонхона ва ресторани бизнеси, бизнес-туризм,

маърифий ҳамда экзотик сайёҳлик, соғломлаштириш ва денгиз саёҳати намоиши қилинди.

Ўзбекистоннинг миллий тенди мамлакатимиздаги етакчи бешта сайёҳлик йўналиши экспозициясини ўзида муҳассам этган. Кўрғазмага келганлар эътиборига юртимиздаги қадимий шаҳарларнинг диққатга сазовор жойлари ҳақида ҳикоя қилувчи бук-

лет ва фотоальбомлар, халқ амалий санъати намуналари ҳавола этилди. Бошқа давлатларнинг вакиллари Ўзбекистонда миллий сайёҳлик инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самалари билан батафсил таништирилди.

Бобур ОБИДОВ, ЎЗА мухбири.

Телекоммуникация воситалари ва замонавий хизмат турлари



(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Тадбир жараёнида айни шу жиҳатлар эътиборга олиниб, турли семинарлар, маҳорат сабоқлари ва тақдимотларни уюштириш мўлжаллангани бу борадаги халқаро тажриба, жаҳондаги етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг энг сўнгги ишланмалари ҳамда hi-tech янгиликлари хусусида батафсил маълумотга эга бўлиш учун кенг имконият яратди.

— Кўрғазмадаги катта корпоратив стендларда компанияимизнинг барча хизматини тақлиф этаёмиз, — дейди «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Бизнесни ривожлантириш маркази» филиали масъул ходими Абдулвазид Эгамбердиев. — Компанияимиз ҳозирги кунда мобил алоқа операторлари ва провайдерларга каналларини ижарага бериш, халқоро ҳамда шаҳарлараро алоқа, видеоконференцалоқа, интернетга улашиш, CDMA 450 стандартида мобил ва стационар алоқалар ҳамда яна кўплаб хизматларни кўрсат-

моқда. Икки йил аввал «Telecom TV» савдо белгиси остида IPTV интерактив телевидение хизматини йўлга қўйган эдик. Бу тизим кун сайин ривожланапти. Айни пайтда тармоқдаги телеканаллар сони 60 тага етди. Бундан ташқари, болаларга инглиз тилини бепул ўргатадиган 50 дан зиёд видеодарсликлар жойлаштирилди.

Хитойнинг «Huawei Technologies» компанияси бугунги кунда телекоммуникация ускуналари тизимларини етказиб берувчи йirik корхоналардан бири саналади. У мамлакатимиз борзорида 1999 йилдан буён муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Компаниянинг масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Huawei Tech Investment Tashkent» хорижий корхонаси директори жаноб Чжао Цзяньпин Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланаётганини юқори баҳолади. Мазкур компания соҳа корхона ва ташкилотларига кенг турдаги симсиз тармоқлар ускуналари, коммутаторлар, оптик қурilmалар, мультимедиа видеокузатув тизимлари, сер-

верлар ва маълумотларни сақлаш тизимлари, мобил телефонлар, смартфонлар, планшет компьютерларни тақлиф этмоқда.

Кўрғазмада «Электрон ҳукумат» тизимига доир технологиялар тендига ҳам қизиқиш катта бўлапти. Хусусан, Корея Республикасининг «LG CNS» компанияси электрон ҳукуматнинг жорий қилишда қўлланилаётган истиқболли лойиҳаларини намоиш этаётир. Шу билан бирга, давлат бошқаруви органлари кўрғазма мобайнида электрон ҳукумат тизимини жорий қилиш бўйича аниқ тақлифлар билан танишиш, режалаштирилган лойиҳаларни амалга оширишда зарур билим ва малака эгаллашга, ҳамкорларни танлаш имкониятига эга бўлаёптилар.

Жорий йилнинг 26 сентябрга гача давом этадиган кўрғазма иши билан 35 минг киши танишиши кутилаётир. Ушбу тадбир дастури кенг ва ранг-баранг бўлиб, ундан кўлаб ўқув-семинарлар, давра суҳбатлари, кўнгличлар тадбирлар ўрин олган. Шунингдек, Ўзбекистонда интернет-провайдингни ривожлантириш масалалари бўйича

давра суҳбати, олий ўқув юрталари, коллеж ва лицейлар жамоалари ўртасида «Компьютер спорти бўйича «ICT — students» турнирига, «Uzbekistan Cyber Games — 2014» — компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионатининг финал босқичини ўтказиш режалаштирилган.

Мухтасар айтганда, «ICTExpo — 2014» кўрғазмаси АКТ соҳасида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, мустаҳкам тижорат алоқаларини ўрнатишда имкониятлар эшигини кенг очди. Намойиш ниҳоясида ташкилий қўмита томонидан тенд ва экспозициялар тақдироти бўйича голиблар аниқланди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири. Ҳасан ПАЙДОНОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

2015 йил учун куйидаги мутахассисликлар бўйича катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчиликка қабул эълон қилади.

КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМЛАР-ИЗЛАНУВЧИЛАР:

- 10.00.03 — Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси.
- 10.00.05 — Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти.
- 10.00.07 — Қиёсий-тарихий, типологик ва чоғиштирма тилшунослик ва лингвистик таржимашунослик.
- 10.00.08 — Адабиёт назарияси.
- 10.00.10 — Журналистика.
- 13.00.01 — Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент.
- 13.00.05 — Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси.
- 07.00.10 — Ижтимоий-сиёсий институтлар ва жараёнлар тарихи.

Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига кирувчилар куйидаги танловлар бўйича кириш имтиҳонларини топширадилар:

- мутахассислик;
- фаннинг билиш назарияси ва методологияси ҳамда фалсафа, фан методологияси;
- Ўзбекистон тарихи;
- чет тили.

МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИК:

- 10.00.03 — Тил назарияси. Амалий ва компьютер лингвистикаси.
- 10.00.05 — Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти.
- 10.00.07 — Қиёсий-тарихий, типологик ва чоғиштирма тилшунослик ва лингвистик таржимашунослик.
- 10.00.08 — Адабиёт назарияси.
- 10.00.10 — Журналистика.
- 13.00.01 — Педагогика назарияси ва тарихи. Таълимда менежмент.
- 13.00.05 — Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси.
- 07.00.10 — Ижтимоий-сиёсий институтлар ва жараёнлар тарихи.

Мустақил изланувчиликка кирувчилар мутахассислик бўйича суҳбат ва чет тилидан имтиҳон натижаси бўйича расмийлаштирилади.

Катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил изланувчиликка ҳужжатлар 2014 йил 15 ноябргача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Заковат кўчаси, 4-уй, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, инглиз тили №3 факультети, 1-қават, 7-хона, илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими. Телефонлар: (+99871) 230-96-65, 230-57-27.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

2015 йил учун куйидаги ихтисосликлар бўйича катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчиликка қабул эълон қилади.

КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМЛАР-ИЗЛАНУВЧИЛАР:

- 01.04.04 Физик электроника.
- 01.04.10 Яримўтказгичлар физикаси.
- 02.00.06 Юқори молекуляр бирикмалар.
- 02.00.08 Нефть ва газ кимёси ва технологияси.
- 05.11.01 Асбоблар. Ўлчаш ва назорат қилиш усуллари (тармоқлар бўйича).
- 05.14.02 Электротехника. Электр энергия станциялари, тизимлари. Электротехник мажмуалар ва қурилмалар.
- 05.15.01 Маркшейдерия.
- 05.15.02 Фойдали қазилмаларни очиб ва ер ости усулида қазиб олиш. Геомеханика.
- 05.15.04 Кудуқларни бургилаш ва ўзлаштириш технологияси.

Ҳужжатлар 2014 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.

Катта илмий ходимлар-изланувчилар сифатида ўқишга талабгорлар куйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий маълумот ёки фан номзоди тўғрисидаги диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- илмий ишлар рўйхати (камида 3 та мақола ва 2 та тезис), нусхалари;
- талабгорларнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатни аниқлаш бўйича тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси;
- етакчи олимлардан бирининг уни илмий консултант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги;
- паспорт нусхаси;
- 3x4 см. ҳажмда 6 та фотосурат.

Катта илмий ходим-изланувчи сифатида ўқиш учун кираётган шахслар мутахассислик, Ўзбекистон тарихи, фаннинг билиш назарияси ва методологияси ҳамда фалсафа, фан методологияси, чет тили фанларидан кириш имтиҳонлари топширадилар.

Фаннинг тегишли йўналишлари бўйича фан номзоди илмий даражасига эга бўлган талабгорлар кириш имтиҳонларини топширишдан овоз қилинади.

Кириш имтиҳонлари 2014 йил 1 — 20 декабрь кунлари бўлиб ўтади.

Мустақил изланувчиликка талабгорлар куйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- ариза;
- иш жойидан тавсифнома;
- маълумотнома;
- олий маълумот ёки фан номзоди тўғрисидаги диплом нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- талабгорларнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатни аниқлаш бўйича тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси;
- илмий ишлар ва илмий ҳисоботлар (патентлар) рўйхати.

Маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 2-уй, ТошДТУ бош биноси, 414-хона. Телефон: (8-371) 227-19-47.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМЛАР-ИЗЛАНУВЧИЛАР ИНСТИТУТИГА ВА МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУВЧИЛИККА 2015 ЙИЛ УЧУН КУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- 05.02.02 — Механизмлар ва машиналар назарияси. Машинашунослик ва машина деталлари.
- 05.02.03 — Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника ва робототехника тизимлари.
- 05.19.02 — Тўқимачилик материаллари технологияси ва хом ашёга дастлабки ишлов бериш.
- 05.19.03 — Терм, мўйна, пойабзал ва тери-галантерея буюмлари технологияси.

Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига талабгорлар куйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан олий таълим муассасасига мурожаат қилишлари лозим:

- ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий таълим бакалаврияти, магистратураси ёки фан номзоди дипломлари нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- илмий журналларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта) ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар ҳамда давра суҳбатлари тўпламлари, фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича бошқа илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида иккита) рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
- талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатининг нусхаси;
- етакчи олимлардан бирининг уни илмий маслаҳатчи сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги;

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 2014 йил 15 октябрдан 15 ноябргача.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй, Тошкент тўқимачилик ва енгил сановат институтининг 3-биноси, 23-хона, тел.: (8-371) 253-08-03.

Qishloq Qurilish Bank

Азиз устоз ва мураббийлар!

АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» жамоаси сиз, азизларни ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан самимий қутлайди. Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз, тарбиянгиз тўғрисида камол топаётган ёш авлоднинг ютуқлари устозлик меҳри билан тўла қалбингизга ҳамиша маънавий қониқчи, хурсандчилик бағишласин. Сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, оилавий фаровонлик тилаймиз!



«Қишлоқ қурилиш банк» куйидаги янги омонат турларини таклиф этади:

Миллий валютада:

- «Баракали мавсум» Омонатга маблағлар 2 — 6 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.
- «Файзли» Омонатга маблағлар 4 — 6 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.
- «Яхши ният» Омонатга маблағлар 12 — 24 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.
- «Талаба» Омонатга маблағлар 14 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар 3 ойда тўлаб берилади.

Хорижий валютада:

- «Финанс» Омонатга маблағлар 12 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонатчи талабига кўра, ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.
- «Капитал» Омонатга маблағлар 4 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб берилади.
- «Фортуна» Омонатга маблағлар 1 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

Куйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилатган уй-жойларни оловчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

- «Мадад» Маблағлар 12 ойдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади.
- «Хонадон» Маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади.
- «Қурилишга бошланғич бадал» Муддати — 1 йил.

Омонатлар банкнинг барча филиалларида қабул қилинади. Қўшимча маълумотларни банкнинг расмий веб-сайтидан олиш мумкин.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатингиз:

- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгаллик қилиш ва тасарруф этиши ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Мурожаат учун телефонлар: (+99 871) 150-76-53, 150-39-93. www.qqb.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти

Куйидаги ихтисосликлар бўйича 2015 йил учун катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил изланувчиликка қабул эълон қилади:

- 08.00.02 — Макроиктисодиёт.
- 08.00.12 — Минтақавий иқтисодиёт.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 2014 йил 15 октябрдан 15 ноябргача.

Маълумот учун куйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннахр кўчаси, 1-уй. Телефонлар: (8-371) 237-10-46, 237-26-32.

POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

Micros Ўзбекистондаги расмий ҳамкор

Штрих-код сканерлари

Моноблоклар

Харидор учун дисплей

Чеклар принтери

ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:

- савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);
- бутик, ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси;
- ресторанлар, кафе, барлар;
- фитнес-клублар, бильярдхоналар, боулинг ва бошқалар.

Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чеклар принтерлари, савдо тарозилари. Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калити билан».

Маҳсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

- Кичик Бешёғоч к., 86 (олдинги шаҳар ДИХБ биноси қаршида), тел.: (+99871) 200-34-34, (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65. www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти жамоаси Ортодонтия ва болалар стоматологияси кафедрасининг доценти Ҳамидулла Нусратиллаевич ШАМСИЕВИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР 9.00 дан 18.00 гача **232-11-15, 236-09-25.** E-mail: reklama@xs.uz

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Шахримиз зиёратгоҳ ва муқаддас қадамжолари билан дунёга машур, — дейди Амир Темуристондаги Шахрисабз маданий музейи директори Наби Хушвақтов. — Қадимий Кеш, айниқса, кейинги йилларда ўзгача кўзага қириятди. Чунинчи, “Ўзшарҳсозлик” лойиҳасида илмий текшириш институти томонидан ишлаб чиқил-

дан шу юртда яшайдиган одамларнинг ҳаёти фаровон қилиш учун фойдаланиш имкони йўқ эди”.

Хозир бу ерда тайёрланаётган полетилен дунёнинг ўнга яқин мамлакатларига экспорт қилинапти. Қолаверса, мажмуа негизда “Шўртан ГМК метан гази асосида синтетик суюқ ёқилги (GTL) ишлаб чиқариш” лойиҳаси амалга ошириляпти. Мутахассислар фикрича, бу ердан чиқётган метан

ган атиги 14 та корхона фаолият юритмоқда. Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи — ана шулардан бири. Қувонарлиси, мазкур саноат мажмуи маҳсулотлари сифат жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринда туради. Бундан ташқари, унинг ишга туширилиши муносабати билан “Тепакўтон” калий тузлари қониди тоғ-кон мажмуи, Деҳқонобод темир йўл станцияси яқинида туз-ни қайта ишлашга мўлжалланган замонавий объектлар ҳам бунёд

метр баландикдан ўтган мазкур темир йўл эндиликда осмонўпар тоғлар орасини кесиб ўтиб, ер ости минерал ресурслари, нефть ва газ, рангли металл, кўмир ҳамда калий тузи, қурилиш материаллари ва бошқа қимматбаҳо фойдали қазилмаларни ўзлаштириш ҳамда шу пайтгача “пўлат из”лар етиб бормаган ҳудудларни юртимизнинг бошқа шахарлари ва қўшни мамлакатлар билан боғлашда қўл келмоқда.

кам, кўрimsиз ва эски биноларда жойлашган даволаш муассасаларида шарт-шароитлар деярли йўқ эди. Қисқаси, тизим мутлақо талабга жавоб бермасди. Мустақилликнинг илк йилларида-ноқ Президентимиз томонидан ушбу соҳага ҳам катта эътибор қаратилиши натижасида энг юксак талаблар даражасидаги бирламчи тиббиёт, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, вилоят тиббий маркасларини ўз ичига олган

1 октябрь — Ҳаёт ва мураббийлар куни

Рағбат фаолликка ундайди

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан оқиб авлод таълим-тарбиясига юксак эътибор қаратила бошланди. “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Қарорлар тайёрлаш миллий дастури каби ҳужжатлар қабул қилиниб, улар асосида янги мактаблар, академик лицей ва касбунаҳар коллежлари бунёд этилди. Шунинг баробарида, ушбу ўқув муассасаларининг барчаси замонавий жиҳозлар, асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Чимбой туманидаги Кенес қишлоқ ҳўжалик касбунаҳар коллежимиз ҳам ана шундай замонавий ўқув даргоҳларидан бири сифатида бундан роппа-росса беш йил муқаддам қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда коллежимиздаги 242 ўқувчига замона талабига мос билим бериш учун барча шарт-шароит яратилган. Фан ва лаборатория хоналари, ўқув-ишлаб чиқариш устанонаси, спорт зали ва майдончаси, ахборот-ресурс маркази сўнгги ўқув воситалари билан жиҳозланди.

Кейинги йилларда жамоамиз ёшларга билим беришининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида бир қатор олий ўқув юртлиари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хусусан, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг Ижтимоий фанлар, Тарих ва археология, Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалининг Ўсимликшунослик, деҳқончилик ва мелиорация асослари, Трактор, автомобиль, Қишлоқ ҳўжалик машиналари кафедралари билан ўзаро шартнома асосида иш олиб боришмоқда.

Коллежимизда 14 та фан тўғрисидаги таълим асослари бўлиб, уларга 188 нафар, олтибита спорт секциясига эса 152 нафар ўқувчи жалб қилинган. Қувонарлиси, улар туман ва республика



ган бош режага мувофиқ, шахарнинг тарихий қисми миллий ва замонавий меъморчилик аънавалари ҳамда шахарсозлик талаблари асосида барпо этилмоқда.

Эътиборлиси, бундай бунёдкорлик ишлари вилоятнинг олис ва чекка ҳудудларини ҳам қамраб оляпти. Натижада қишлоқ жойларда худди шахардаги сингари замонавий кулайлик, шарт-шароитлар яратилмоқда. Масалан, ўтган йили вилоят миқёсида намунавий лойиҳалар асосида 1050 та замонавий уй-жой барпо этилган бўлса, жорий йилда яна 1172 та ана шундай тураржой ўз эгаларига топширилади.

Яна бир диққатга молик жиҳат: мустақиллик йилларида Қашқадарё вилояти, чин маънода, мамлакатимизнинг ёқилги-энергетика базасига айланди. Бугун республикамизда қазиб олинаётган нефтнинг 76 фоизи, табиий газнинг 82 ва газ конденсатининг 93 фоизи вилоят ҳиссасига тўри келаётгани, эҳтиёж учун зарур бўладиган олтингургурт ҳам тўласинча ушбу воҳода ишлаб чиқарилаётгани фикримизни исботлайди. Масалан, иқтисодий салоҳиятига кўра ўхшашли бўлмаган “Шўртан газ-кимё” мажмуининг барпо этилиши нафақат вилоят, балки Ўзбекистонда рўёбга чиқарилган энг муҳим лойиҳалардан бири бўлди. Ваҳолонки, собиқ Иттифоқ даврида юртимизда бундай замонавий мажмуанинг ишга туширилишини ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Юртобимиз таъкидлаганидек, “У замона биз мана шундай буюк қилишларни мумкин эди, холос. Лекин шу замин қаъридаги бойликларни ишга солиш, улар-

Қашқадарё вилояти: БУНЁДКОРЛИК, ТАШАББУС ВА ЯНГИЛАНИШ

газининг тозалиги 98-99 фоизни ташкил қилади. Малайзиянинг “Petronas” компанияси инвестицияси жалб этилган ҳолда, Жанубий Африканинг “Sasol” компанияси лойиҳаси асосида барпо қилинадиган бу ноёб корхонада ана шу хом ашёдан жаҳондаги энг илгор GTL технологияси асосида экологик тоза синтетик суюқ ёқилги, Евро-IV, Евро-V стандартларига мос дизель ёқилгиси, авиакеросин ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Ваҳолонки, аини пайтда дунё бўйича бор-йўғи 2 та давлатдагина бундай усулда маҳсулот тайёрланапти, холос.

Яна бир йирик ишоот — “Талимаржон” иссиқлик электр станцияси ҳам аини мустақиллик йилларида ишга туширилди. Шу тараққа бу ерда соатига 800 мегаватт энергия ишлаб чиқаришга қодир станциянинг биринчи энергобласти бунёд этилиб, Самарқанд — Бўхоро энергоузелидаги тақчиллик ва электр тармоқларидаги йўқотишларни камайтириш, электр энергияси экспортини кўпайтириш, саноат корхоналари ва миллионлаб аҳолини электр энергияси билан ишончли таъминлаш имконияти юзага келди.

Маълумотларга кўра, аини пайтда дунёда калий ўғитлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирил-

этилди. Шунингдек, улар ўртасида юк машиналари учун равон автомобиль йўли, сув, газ, электр энергияси таъминоти ва бошқа ижтимоий инфратузилма ишоотлари қурилди. Аини пайтда эса корхона қувватини ошириш мақсадида Хитойнинг “СITIC



International Cooperation Co. Ltd” компанияси бош қудратчилигида йилга 400 минг тонна калий ўғитлари тайёрлашга мўлжалланган қайта ишлаб мажмуи барпо этилмоқда.

— Бир вақтлар бу жойлар тап-тақир дашт эди, — дейди завод бош технологи Баҳодир Бойназаров. — Истиқлол шарофатини қарангки, қисқа вақтда мазкур яйдок ерда шундай қудратли корхона қад ростлади. Ён-атрофи обод бўлди. Хозир бу ерда меҳнат қилаётган 1500 нафардан зиёд ишчи-ҳодимларнинг 80 фоиздан зиёди мен каби маҳаллий аҳоли вакиллари-дир.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, атрофи тоғу тошдан иборат бўлган Деҳқонобод тумани учун тараққийёт эшикларини очиб берган ушбу завод “Тошгузар — Бойсун — Кумкўрган” темир йўли қурилиши билан узвий боғлиқдир. Денгиз сатҳидан 1800

Бу каби ишларни янги босқичга олиб чиқишда эса Президентимизнинг 2010 йил 21 декабрдаги “2011 — 2015 йилларда инфратузилmani, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўляпти. Мазкур қарор асосида ҳозир “Мароканд — Қарши — Термиз” темир йўл участкасини электрлаштириш лойиҳаси жадаллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Зеро, ушбу линиянинг тўлиқ электрлаштирилиши поездлардан фойдаланиш харажатларини 23 фоиз қисқартириб, йилига 16 миң



тонна дизель ёқилгисини тежаш, кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини ошириш, юк ташиш вақтини 1,2 соат, йўловчиларнинг манзилга етиш муддатини эса 40 дақиқа қисқартириш имконини беради. Бинобарин, темир йўлнинг поездларни ўтказиш қуввати 35 фоиз ошиб, қўшимча иш ўринлари яратилади.

Барчамизга яхши аёнки, бундан йигирма уч йил аввал вилоятда тиббиёт йўналишидаги ишлар ҳам оғир аҳволда эди. Пас-

шифо масканларининг мукамал тармоғи яратилди.

— Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базаси мустақамланиб, ходимлар малакасини ошириш, улар меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизими қайта кўриб чиқилиши аҳолига тиббий хизмат қўрсатишини сидафат жиҳатидан юқори босқичга кўтарди, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Умида Ғозиева. — Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 21 майдаги “Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини тақомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига кўра, шифо масканларимиз зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, замонавий транспорт воситалари ахратилаётгани диққатга сазовордир. “Соғлом она” — соғлом била” ҳаракати доирасида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам бунга мисол бўла олади.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда вилоятда 30 дан ошдиқ миллилат ва эллатдан иборат 2 миллион 800 миң нафардан ортиқ аҳоли ўзаро ҳамжиҳатликда ҳаёт кечирмоқда. Уларни эзгу ишлар, хайри ташаббуслар сари руҳлан-тириб турган энг улўғур мақсад эса муштарак. Бу — Ватани янада обод, турмушимизни бундан да фаровон этиш!

Аҳод МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шоҳмурот ШАРАПОВ олган суратлар.

Жанубий Кореянинг Инчхон шаҳрида давом этаётган XVII ёзги Осиё ўйинларида ўзбекистонлик спортчилар ҳам совринли ўринларни қўлга киритмоқда.

17th Asian Games INCHEON 2014

Спортчиларимиз совриндорлар сафида

Жумладан, мусобақа дастуридан ўрин олган теннис бўйича беллашувларда Денис Истоминов, Фаррух Дўстов, Санжар Фаёзиев, Тимур Исмоиловдан иборат Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси бронза медал билан тақдирланди. Дзюдо бўйича жамоавий баҳсларда ҳам полвонларимиз кучли учликдан жой олишди. Вакилларимиз саралаш баҳсларида Япония терма жамоасини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратди. Учинчи ўрин учун Эрон терма жамоаси билан беллашган дзюдочиларимиз маҳоратини намойиш этиб, 4:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Кеча спорт гимнастикчиларимиз ҳам терма жамоамиз ҳисобига яна иккита кумуш медал тақдим этди. Хусусан, ўзбекистонлик машҳур гимнастикчи Оксана Чусовитина таяниб сакраш машқлари бўйича, Абдулла Азимов эса алоҳида предметларда машқ бажаришда юқори натижа қўрсатиб, шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди.

Фозилдин АБИЛОВ тайёрлади.

Ўзбекистон Бадиий академияси КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ

2015 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича катта илмий ходимлар-изланувчилар ва мустақил изланувчилик институтига қабул эълон қилади.

Катта илмий ходимлар-изланувчилар институти

17.00.05 — Дизайн назарияси тарихи.
17.00.08 — Санъат назарияси ва тарихи.

Мустақил изланувчилик

17.00.05 — Дизайн назарияси тарихи.
17.00.06 — Музейшунослик; тарихий-маданий объектларни консервация қилиш, таъмирлаш ва сақлаш.
17.00.07 — Маданият назарияси ва тарихи.
17.00.08 — Санъат назарияси ва тарихи.

КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМ-ИЗЛАНУВЧИЛАР СИФАТИДА ЎҚИШГА ТАЛАБГОРЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРАДИЛАР:

- ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- диплом нусхаси иловаси билан;
- тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг тўлиқ лойиҳаси;
- илмий журналлар ҳамда нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта), илмий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар ҳамда давра суҳбатлари тўпламларига, фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича бошқа илмий ишлар тўпламларига киритилган

Ҳужжатлар 2014 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.

Катта илмий ходим-изланувчилар институтига

- Ўзбекистон тарихи;
- фалсафа, фаннинг билиш назарияси ва методологияси;
- чет тили;
- мутахассислик бўйича кириш имтиҳонлари топширилади.

Кириш имтиҳонлари 2014 йил 1 — 20 декабрь кунлари бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уй.

Телефон: (8-371) 255-98-39.

Тошкент: Марказий кўргазмалар залида “Юртимиз ёшлари” деб номланган кўргазма намойиш этилмоқда. Ундан ёш мусаввир, ҳайкалтарош, фоторассом ва дизайнерларнинг 350 дан ортиқ асарлари ўрин олган.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 79 206 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Тахририятта келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳфаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — О. Фаёзиев.
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.35 Топширилди — 21.35 1 2 3 4 5

Мустақилликнинг 23 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига мувофиқ, юртимиз тараққийоти ва ривожига катта ҳисса қўшган, мамлакатимиз иқтисодий-иқтисодий, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлашда ўрнатқурсатган, жамятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган бир гуруҳ юртодшларимиз давлат мукофотлари билан тақдирланди. Шулар қаторида менинг камтарона меҳнатим ҳам қадрланганидан қанчалар севинганимни сўз билан таърифлай олмайман. Ушбу мукофотни бутун жамоамиз меҳнатига берилган юксак эътироф, деб қабул қилдим.

1974 йилдан бошлаб ёш авлодга физика фанидан сабоқ бераман. 2005 йилдан буён Республика таълим маркази кенгаши аъзосиман. Ўқувчиларим ҳар йили фан олимпиадаларининг вилоят ва республика босқичларида фахрли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Мен билан бақамти меҳнат қилаётган шогирдларим ҳам кўп. Уларга илмга чанқок ёшларимизга билим бериш учун ўқитувчи дунё янгиликларидан хабардор бўлиши, уни ўқитиш ва